*Олий Мажлис сессияси олдидан*

**Мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказишга, улар тарбиясига катта эътибор қаратилаётир. 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили», янги асрнинг дастлабки йили «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши бу борада ташланган дадил қадамлардир. Шунга мувофиқ ишлаб чиқилган дастурларда бажарилиши лозим бўлган аниқ вазифалар белгиланган.**

# Ижтимоий ҳимоя — бош мезон

Олий Мажлис депутатлари ҳам инсон ҳуқуқи, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини муҳофаза қилишни таъминлаш борасида бир қанча ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Тегишли ташкилот ва муассасалар ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан баҳамжиҳатликда фуқаролар соғлиғини сақлаш ва муҳофаза қилишга дахлдор маслаҳат ва тушунчалар баён этилган буклетлар тайёрлади. Уларни ҳомийлар ёрдамида чоп эттиришни йўлга қўйди. Буклетларни яқин орада халқимизга бепул тарқатиш режалаштирилган.

Маълумки, иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг V сессияси муҳокамасига қўмита томонидан «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси киритилиши мўлжалланган. Бу борада олиб бориладиган ишлар юзасидан гуруҳ тузилган. Ҳозирда у кўпгина ишларни амалга оширмоқда, қатор давлатлар тажрибасини ўрганмоқда.

Ушбу қонун бугунги кунимиз учун ўта муҳим ва долзарбдир. Негаки, сил хасталиги дунёда кенг тарқалаётган касалликлардандир. Маълумотларга қараганда, ушбу касаллик туфайли дунёда 3 миллионга яқин одам ҳаётдан кўз юмган. Шундан 900 минг нафари аёллар, 300 минги болалардир.

Мамлакатимизда силнинг олдини олиш мақсадида кўплаб тадбирлар кўрилаётир. Бироқ, шунга қарамай, эпидемиология ҳолати яхшиланмаётганлиги кузатилмоқда. Унга қарши курашнинг аниқ тизими мавжуд бўлса-да, ижтимоий ва иқтисодий характерини ҳисобга олиб қараганда, умуммиллий муаммолигича қолмоқда. «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бу хасталикнинг олдини олишга қаратилган ижтимоий, тиббий, санитария-гигиенага оид, эпидемияга қарши курашиш каби чора-тадбирларни амалга оширишда муҳим омил саналади. Шунингдек, сил касаллигига чалинган беморларни аниқлаш, даволаш, диспансер кўригидан ўтказиш ва реабилитация қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Бир сўз билан айтганда, аҳолини ундан муҳофаза қилишни таъминлашга хизмат қилади, сил касаллигига чалинган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Яратилаётган қонунга кўра, нафақат республикамиз фуқароларига, балки юртимизда доимий яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам сил касаллигига қарши бепул ёрдам кўрсатилади. Бу иш бюджетдан ташқари тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳам амалга оширилади. Хайрли тадбирга корхона, ташкилот, муассаса ҳамда жисмоний шахслар ҳам ўз маблағлари билан ҳисса қўшишлари мумкин.

Янги қонун депутатларимиз томонидан қўллаб-қувватланса, сил касаллиги мамлакатимизда тарқалишининг олди олинади. Беморларнинг батамом даволанишларига катта имконият яратилади. Масъул шахслар вазифаларини тўла-тўкис адо этишлари учун пухта замин яратилади.

**Машкура САФАЕВА,**
**Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси.**

# Ўқилган китоб ва қайта кашф этилган мамлакат

(Давоми. Боши 1-бетда).

Россия стратегик тадқиқотлар институти директори Евгений Кожокин, россиялик машҳур кардиожарроҳ Ренат Акчурин, МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари халқаро телефоруми ташкилий қўмитаси раиси Валерий Рузиннинг чиқишлари мазмунан бой бўлди.

Сўзга чиққанлар жамиятни ижтимоий-иқтисодий ислоҳ этишда, дунёвий демократик давлат қурилишида, минтақани қонли тўқнашувлар ва англаб бўлмас қонунбузарликлар ҳудудига айлантирмоқчи бўлган экстремист кучлар хатти-ҳаракатларига қарама-қарши туришдаги Ўзбекистон тажрибасининг ноёблигини қайд этишди. Нафақат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги, балки жаҳонда «тараққиётнинг ўзбек модели» дея эътирофини топган миллий иқтисодиётни ўзига хос йўсинда замонавийлаштириш ва ислоҳ қилишда ўз фуқаролари ҳаётини ва хавфсизлигини муҳофаза қилишда давлатнинг роли алоҳида таъкидланди.

«Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» асарининг муаллифи мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг фаолияти ва унинг шахс сифатидаги фазилатларига берган юксак баҳолари маросимдаги сўзга чиқишларда ва ўзаро мулоқотларда қўллаб-қувватланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон раҳбари ўз халқи томонидан тарихнинг мураккаб, том маънодаги бурилиш паллаларида эҳтиёж сезилган дунё миқёсидаги етакчилар сирасида тилга олинди.

«Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» асарининг Москвадаги тақдимоти мамлакатимизда мустақил тараққиётнинг ўн йили давомида эришилган улкан ўзгаришларга россияликларнинг қизиқиши ва ҳурматини кўрсатди. «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига берилган интервьюларда билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг айримлари билан танишайлик:

**Виталий НАУМКИН, стратегик ва сиёсий тадқиқотлар Халқаро жамғармаси президенти, Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши эксперти:**

— Ўзбекистон — шитоб билан ривожланиб бораётган, замонавий демократия шарт-шароитлари ҳамда миллий маданият ва анъаналарнинг ўзига хос жиҳатлари уйғунлашган ҳолда ўзининг тараққиёт йўлини топа олган мамлакатдир. Айнан мана шу жиҳат, шунингдек, мамлакат етакчисининг роли ушбу китобда ўз ифодасини топган. Президентликка бўлган сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этиш асносида сайловларнинг рисоладагидек, бекаму кўст ўтганига шахсан ишонч ҳосил қилдим — сайловлар Ўзбекистон раҳбарининг шу қадар юқори обрўга эга эканлигини кўрсатди. Ўзбек тажрибаси жуда жиддий ўрганишга лойиқ, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ўрганиш эса бизнинг мамлакатимиз учун фавқулодда муҳимдир. Шу боисдан ҳам Л. Левитин асарининг нашр этилиши муҳим сиёсий воқеадир.

**Алексей МАЛАШЕНКО, Москвадаги Карнеги маркази илмий кенгаши аъзоси:**

— «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» асари муаллифининг ёндашувлари — салбийликдан кўз юммаган ҳолда ижобий жиҳатларга чуқурроқ эътибор қаратиши менга жуда маъқул келади. Афсуски, Россия тўғрисида ҳали бундай китоб ёзилгани йўқ. Ёки тўлиб-тошиб мақташади ёки шафқатсизларча ҳақорат қилишади. МДҲдаги бошқа мамлакатларда ҳам бундай иш дунё юзини кўргани йўқ. Шу боис, сиёсатчиларга бу китобни диққат билан, шошилмасдан ўқиб чиқишни маслаҳат берган бўлардим.

**Александр СИНАЙСКИЙ, генерал-лейтенант, МДҲ мудофаа вазирлари Кенгашининг котиби:**

— Минтақавий хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон катта роль ўйнайди. Асарда халқаро терроризм, турли шаклдаги экстремизм кўринишлари билан курашда Ўзбекистон ва унинг Президенти роли юқори баҳоланган, ишончим комилки, бу келгусида янги қувватни касб этади.

**Архимандрит МАРК, Москва патриархиати ташқи черков алоқалари бўлими раиси:**

— Ўзбекистон фуқаролараро тотувлик ҳукм сураётган, турли дин вакиллари ўртасида тинчлик-хотиржамлик сақланиб турган мамлакатдир. Муқаддас Патриарх Алексий Ўзбекистонда бўлиб, минтақада турли динлараро, давлат ҳокимияти вакиллари ва Православ черкови ўртасидаги муносабатларни юқори баҳолади. Биз гувоҳ бўлиб турганимиз — турли дин ва миллат вакиллари ўртасидаги ўзаро ишонч муҳити ҳукм сураётган Ўзбекистон Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар ва дунёнинг бошқа давлатлари учун намуна бўлиб қолишига умид қиламиз.

**Леонид ЛЕВИТИН, профессор, китоб муаллифи:**

— Тақдимот маросими кутганимдан ҳам аъло бўлди, тўпланганларнинг китобга бўлган қизиқишини ҳамда уларнинг Ўзбекистонга нисбатан хайрихоҳлигини кўриб мен жуда тўлқинланиб кетдим. Тилагим эса, буларнинг барчаси Россия давлат сиёсатида ўз талбиғини топсин, Россияга Ўзбекистон жуда зарур бўлганидек, Россия ҳам Ўзбекистонга муҳтождир.

**Олег ШАТУНОВСКИЙ,**
**"Жаҳон" АА.**
**Москва.**

# «ЎзДЭУавто» юртимиз истиқболига хизмат қилмоқда

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига

## Яқин ўтмишга назар

Юртимиз мустақилликка эришган 1991 йилда республикамизда умуман автомобиль ишлаб чиқариш саноатининг ўзи йўқ эди. Қўлдан берганга қуш тўймас», деганларидек, четдан олиб келинган автомобиллар маҳаллий ҳокимият қарори билан тақсимланарди. Аҳоли уни сотиб олиш учун ўн йиллаб навбат кутарди. Бунинг устига, автомобилларнинг барчаси жаҳон андозалари талабларига жавоб бермасди.

Шундай бир шароитда Юртбошимизнинг ташаббуси билан хайрли ишга қўл урилди. Қиёс учун далиллар келтирайлик: Россиянинг Тольятти шаҳридаги «Жигули» ишлаб чиқарадиган корхона 6 йилда қуриб битказилган эди. Ана шу боисданми, баъзиларга Асакада автомобилсозлик саноати барпо қилиш амалга ошириб бўлмайдиган ишдай туюлди. Лекин 1994 йилда Юртбошимизнинг Жанубий Кореяга расмий ташрифи чоғида «ДЭУ» корпорацияси раҳбарлари билан учрашувда, ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишиб олинди. Ўша йили кузда Асакадаги собиқ прицеплар заводининг 8 йилдан буён қаровсиз, ҳувиллаб ётган ишлаб чиқариш корпусида қўшма корхона барпо этишга киришилди. Ҳукуматимиз бу қўшма корхона қурилишининг республика иқтисодиётини барқарорлаштиришдаги ўрни катта эканлигини назарда тутиб, уни молиялаштириш учун зарур маблағ ажратди, қурилиш шахсан Президентимизнинг назоратида бўлди.

Мустақиллик халқимизга ўзига хос шижоат инъом этганлигини шундан билиш мумкинки, бу ерда 17,5 ой давомида қаттиқ меҳнат қилинди. Қурувчилар ғайрат кўрсатдилар. Ана шу вақт ичида қўшма корхона қуриб битказилди.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган кун ҳам етиб келди. 1996 йил 25 март куни қўшма корхона конвейеридан дастлабки «Дамас» автомобили чиқди! Ушбу тантанада «ДЭУ» корпорациясининг собиқ президенти Кван Ки Ли сўз олиб, шундай деган эди:

— Бугун Ўзбекистон Республикасида янги автомобиль ишлаб чиқарилган қувончли кундир. Бир қарашда бунга ишонгинг келмайди. Андижон вилоятида бундай мўъжизанинг яратилишига Президентингиз Ислом Абдуғаниевич Каримов катта ҳисса қўшдилар. У кишининг ташаббуслари билан бу корхона ниҳоятда қисқа вақт ичида қуриб битказилди. Бу ерда ишлаб чиқарилган автомобиллар жаҳон бозорида бемалол рақобатлаша олади. Ўзбекистон бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга интилиб, тўғри иш қилмоқда.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида иқтисодий алоқалар, албатта, ривож топаверади. Дўстлик ва ҳамкорлик қудрати билан барпо этилган бу қўшма корхонада яратилган машиналар ҳам бемалол жаҳон андозаларига жавоб бера олади.

## Корхона бўйлаб сайр

Асакадаги қўшма корхонанинг очилиш маросимига жанубий кореялик мутахассислар, шунингдек, чет эл журналистлари ҳам ташриф буюрган эди. Улар биргаликда бу ердаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишдилар, замонавий роботларни, бир маромда ишлайдиган конвейерларни кўздан кечириб, ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқариш маданиятининг юксаклигига ишонч ҳосил қилдилар. Ўшанда Москвада чиқадиган «Труд» газетасида бу янгилик «Ўрта Осиё мўъжизаси» деб таърифланган мақола босилиб чиққанди.

Қўшма корхонага ўрнатилган барча жиҳозлар ўзининг мукаммаллиги билан мутахассислар эътиборини тортиб келмоқда. Ҳамма ёқда саранжом-саришталик яққол кўзга ташланиб туради. Ишчилар, мутахассислар бир хилда — ҳаво ранг кийим кийишган. Шуниси муҳимки, конвейерда ишлаётганларнинг барчаси маҳаллий ёшлар. Уларнинг аксарияти Жанубий Кореяда малака ошириб келишган. Замонавий технологияни бошқариш сирларини пухта эгаллашган. Шу боисдан Асака автомобили дастлабки кунларданоқ ўзининг шуҳратини ошира борди. Дастлаб 50 та «Дамас» автомобилини Тошкентда Буюк Британия билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхона вакиллари сотиб олдилар. Шунинг ўзиёқ Асака автомобили жаҳон бозорида рақобатлаша олишидан нишона эди.

## 1996 йил 17 июн

Шу куни «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида яна бир тантана бўлди. Яъни конвейердан «Тико» автомобили тушди. Бу ихчам ва кўркам енгил машинани кўздан кечирган кишилар унинг бозори чаққон бўлишини таъкидладилар. Жумладан, ушбу тантанага ташриф буюрган Украинанинг Тошкентдаги элчихонаси вакиллари шундай дейишган эди:

— Асака автомобилининг сифатига қойилмиз. Қисқа вақт ичида мана шундай замонавий автомобиль ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари орасида тараққиётга тезроқ чиқиш учун интилаётганидан далолатдир. Биз бундай маҳсулотларнинг ҳар қандай мижозга маъқул бўлишига ишончимиз комил.

Ўша куни биз «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасини қуришда ва ишга туширишда фаол қатнашган чет эллик ва маҳаллий мутахассислар билан суҳбат қурган эдик. Мустақилликнинг ўн йиллиги арафасида ана шу суҳбатлардан айримларини муштарийлар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик.

## Мутахассислар дейдиларки...

**Дём Бе СОН,**
**жанубий кореялик мутахассис:**

— Асакада тайёрланаётган автомобиллар сифатини компьютерлар назорат қилиб туради. Шу боисдан «Тико», «Дамас» ва «Нексия» русумли автомобилларнинг сифати барчага манзур бўлаяпдидир.

Асака автомобилининг шуҳрат топишига ҳеч биримиз шубҳаланмаймиз. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг катта ҳиссаси бор, деб биламан. Чунки қўшма корхона у кишининг ташаббуслари билан барпо этилди.

**Тадаши ШАТО,**
**япониялик мутахассис:**

— Мен Ўзбекистонда замонавий технология билан жиҳозланган бундай автомобиль заводи барпо этилганлигини тасаввур қилмаган эдим. Бу ерга келиб, ажойиб корхонани кўрдим. Қўшма корхонадаги ишлаб чиқариш жараёни ҳар бир кишининг ҳавасини келтиради. Ишлаб чиқарилаётган автомобилларни ўзимча Япония автомобилларига солиштириб кўрдим. Ўйлайманки, бу ерда тайёрланган автомобиллар жаҳон бозорида ўз ўрнини топади.



**Бахтиёржон НАЗАРОВ,**
**«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг мутахассиси:**

— Ҳар куни қўшма корхона цехларини кезиб, ўзимча ҳузур қиламан. Ҳаммаёқ озода ва саранжом. Конвейерлардаги автомобилларни кўрганимда эса, ғурурланиб кетаман. Бу ҳам бизга мустақиллик берган инъомдир.

## 1996 йил 19 июл

Қўшма корхонада ташкил этилган байрамона тантанага мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташриф буюрди. Конвейердан чиққан дастлабки «Нексия» автомобилида Юртбошимиз «ДЭУ» компаниясининг президенти билан биргаликда завод бўйлаб сайр қилдилар. Шундан кейин бу автомобилга Президентимиз дастхат ёздилар. Ва қувончли кундан хотира сифатида автомобиль корхонанинг кўргазмалар залига келтириб қўйилди.

Қўшма корхонада бўлиб ўтган митингда Президентимиз республикамизда ҳар бир оила ўзининг хусусий енгил автомобилига эга бўлиши ҳақида истак билдирган эди. Юртбошимизнинг бу орзуси ушалмоқда. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган автомобилларни Андижон вилоятининг ўзида 15 минг оила сотиб олган.

## Малакали ёшлар — келажагимиз

Ўтган йиллар ичида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси учун Жанубий Кореяда 3 мингдан зиёд мутахассис тайёрланди. Улар мамлакатнинг етакчи автомобиль корхоналарида малака ошириб, айни пайтда ўз иқтидорларини намойиш қилиб қайтдилар. Мана шу ўринда жанубий кореялик Ёнг Дон Лининг қуйидаги сўзларини эслаш ўринлидир:

— Мен Жанубий Кореядаги автомобиль заводида ишлайман. Ўзбекистондан малака оширгани бир гуруҳ ёшлар келишди. Улар билан дастлабки учрашувимда «Наҳотки, шундай малакасиз ёшлар билан автомашина ишлаб чиқариб бўлса?» деган хаёлга борган эдим. Кўп ўтмай, менинг тасаввурим нотўғри бўлиб чиқди.

Асакалик ёшлар ниҳоятда иштиёқ билан ҳунар ўрганишди. Корейс ва инглиз тилларида сўзлашишни ҳам бирмунча билиб олишди. Улар очиққўнгил, тиришқоқ, самимий, бир гап айтсанг, дарров уқиб оладиган йигитлар экан.

Олти ой ичида замонавий технология сирларини эгаллабгина қолмай, рационализаторлик таклифларини ҳам киритдилар. Тўрт кишига бундай таклифлари учун мукофот берилди.

Малакали ишчилар тез орада Асака автомобилининг шуҳратини оширишга муяссар бўлдилар. Россия Федерацияси ва Қозоғистонга 25 мингдан зиёд автомобиллар жўнатилди.

Ага бу ерда ишлаётган ёшларнинг аксарияти асосан деҳқонларнинг фарзандлари эканлиги ҳисобга олинса, уларнинг юртимиз истиқболи йўлида ҳар қандай мушкулотларни ечишга қодир эканликларини яққол тасаввур қиласан, киши.

Мисол учун, ака-ука — Ҳасан-Ҳусан Қосимовларни олайлик. Иккаласи ҳам бош менежер ўринбосари вазифасида ишламоқда. Жанубий Кореяда малакаларини ошириб, ўз маҳоратлари билан ҳатто кореялик, япониялик мутахассисларни ҳам қойил қолдиргандилар.

Оддий ишчи Улуғбек Юнусов эса мустақилликнинг 9 йиллиги муносабати ила «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Улуғбекнинг отаси узоқ йиллар юк автомобили ҳайдовчиси бўлиб ишлаган. Ҳозир пенсияда. У ўғлининг ишидан хабар олгани корхонага келган экан. Биз у билан суҳбатлашдик. Ота мана шундай эътибор бўлса, ёшларимизнинг камол топиши шубҳасиз эканлигини фахрланиб гапирди.

Дастлабки кезларда бу қўшма корхонада жанубий кореялик мутахассислардан 80 нафари ишлар эди. Эндиликда улардан 8 нафари қолган, холос. Барча ишларни маҳаллий мутахассислар бемалол уддалашмоқда. Баъзилар Жанубий кореяликлар кетишгандан кейин корхонада маҳсулот сифати пасайиб кетади, деб ташвишланган эдилар. Йўқ, ундай бўлмади. Ҳали ҳам Асака автомобилининг шуҳрати баланд. Ҳамдўстлик мамлакатларидан машина олиб кетиш учун жуда кўп мижозлар келишмоқда.

## Ҳамма гап манфаатдорликда

Бугунги кунга келиб, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида 240 мингдан зиёд автомобиль тайёрланди. Автомобиллар эса мамлакат минтақалари ўртасида асосий алоқа воситаларидан бирики, бу бозор иқтисодиёти шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, олдинлари автомобилда Фарғона вилоятидан Тошкентга бориб келиш муаммо эди. Чунки ўриндиғи қаттиқ машиналар айланма йўлларда одамнинг тинкасини қуритарди. Мана энди юмшоқ «Нексия» машинасида тўрт соатда Тошкентга етиб борилмоқда. Ёки «Тико» машинасининг бензин баки бир марта тўлдирилса, Андижондан бемалол Тошкентга бориб-келишга етади. Иқтисодиётимиз учун мана шундай тежамкор машина жуда зарур.

Бу хайрли ишнинг аҳоли манфаатдорлигига боғлиқ томони ҳам бекиёс. Мутахассисларнинг айтишича, қўшма корхонада ишлаётганларнинг ўртача ойлиги 28 минг сўмга тўғри келмоқда. Демак, ишчи ва хизматчиларнинг хонадонига ҳар ойда ана шунча кирим бўлмоқда. Уларга яратилган шароитни айтмайсизми! Қўшма корхона ошхонаси ниҳоятда замонавийдир. Бу ерда қисқа вақт ичида овқатланиб, қолган вақтда газета ва журнал ўқиш, телевизор кўриш учун ҳам барча имкониятлар мавжуд. Тушлик овқат эса бепул.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг ишга туширилиши муносабати билан, вилоятимизда барпо этилган бутловчи қисмлар тайёрловчи яна 7 та қўшма корхонада асосан ёшлар меҳнат қилишмоқда. Улар ўзларининг уқуви, маҳорати жиҳатидан чет эллик ишчи ва мутахассислардан ҳеч қолишмайдилар. Шунинг учун ҳам ойлик маошлари юқори, уларга бир қатор имтиёзлар ҳам берилган.

Келгусида «ЎзДЭУавто»га бутловчи қисмлар етказиб берадиган яна ўнлаб қўшма корхоналар ташкил этиш учун ҳаракат қилинмоқда. Бу, албатта, республикамиз иқтисодиётини кўтаришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

## «Матиз» — тараққиёт белгиси

Мустақиллик байрамининг ўн йиллиги арафасида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида «Матиз» русумли автомобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, автомобиль ишқибозлари ҳозирдаёқ унга зўр қизиқиш билан қарамоқдалар. Бу бежиз эмас, «Матиз» бир қатор афзалликларига эга. Унинг салони «Тико»га қараганда кенгроқ. Ўриндиқларининг юмшоқлиги билан дунё андозаларига бемалол жавоб беради. Тортиш қуввати эса «Тико»га нисбатан ўн от кучига ортиқ.

Йил охиригача бундай машинадан 7 мингта ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ўйлаймизки, Асаканинг бу автомобили ҳам тез орада шуҳрат топади.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида барпо этилган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси Ўзбекистонимизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, жаҳон иқтисодий жараёнига қўшилишида залворли ва қутлуғ қадам бўлди. Замонавий машиналаримиз эса, таъбир жоиз бўлса, мустақиллигимизнинг тилдаги эмас, балки кўз билан кўриб, қўл билан тутиб бўладиган амалдаги натижасидир. Истиқлол бўлмаганда, бундай корхона қаёкда эди! Шунинг учун халқимиз «ЎзДЭУавто» юрт истиқболи йўлида хизмат қилаётганидан, замонавий машиналаримиз шуҳрати тобора ортиб бораётганидан қувонмоқда. Бу қувонч абадий бўлсин!

**Назиржон САИДОВ,**
**Комилжон НИШОНОВ,**
**«Андижоннома» газетасининг мухбирлари.**
**Махсус «Халқ сўзи» учун.**

*ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ:*

# «Энг улуғ, энг азиз»

***Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси халқимиз руҳияти, қалби ва онгида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришларини янада кенгроқ ва ёрқинроқ ёритиш, тасвирлаш мақсадида анъанавий «Энг улуғ, энг азиз» Республика кўрик-танловига барча ижодкорларни таклиф этади.***

Кўрик-танловга тақдим этилаётган ижодий ишларда қуйидаги мавзу, йўналишлар ёритилган бўлиши лозим:

- *мустақиллик, озодлик ва Ватан каби муқаддас тушунчаларнинг талқини;*
- *мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар жараёни ва бу борадаги эришилган ютуқлар;*
- *миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг шаклланиши;*
- *она Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат;*
- *миллий ғурур, азалий ва умумбашарий қадриятлар;*
- *кишилар онгида, руҳиятида ва қалбида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришлари;*
- *фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган, яратувчилик йўлида изланаётган замондошларимиз;*
- *мамлакатимиз мустақиллигининг дадил одимлари;*
- *буюк Истиқлол туфайли қўлга киритилган моддий ва маънавий неъматлар кўлами.*

**Кўрик-танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги байрами арафасида матбуотда эълон қилинади.**

Танлов ғолибларини қимматбаҳо совринлар кутади.

Ижодий ишлар икки нусхада шу йилнинг 1 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**

**Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танлови ҳайъати.**

*Турмуш кўзгуси*

# Янги бозорни кўрмабсиз, Урганчда бўлмабсиз...

Кейинги йилларда Урганч мамлакатимизнинг энг обод ва ораста шаҳарларидан бирига айланди. Замонавий хизмат кўрсатиш муассасалари, маъмурий бинолар, кенг ва равон йўллар вилоят марказининг ҳуснига-ҳусн, чиройига-чирой қўшиб турибди. Буюк бобокалонларимиз сиймолари акс этган салобатли ёдгорлик мажмуаларини, кундан-кунга жамол очаётган кўркам ва хушҳаво боғларни айтмайсизми!

Азим шаҳарга азим бозор ҳам керак. Шу жиҳатдан қараганда, урганчликларнинг орзу-истаклари ушалди, десак, тўғри бўлур эди. Чоғроққина, кўримсиз деҳқон бозори иқтисодий ўсиш-ривожланиш суръатларига ҳам, маданий-маиший талабларга ҳам жавоб бермас, унинг ҳудуди бетартиб равишда кенгайиб, пастқам дўконлар хунук кўриниб қолган эди.

Ниҳоят, Урганч ўзининг замонавий ва кўркам бозорига эга бўлди. Бу нафақат шаҳарликлар, балки қадимий воҳа аҳолиси учун ҳам катта шодиёнага айланди. Янги бозор эртаю кеч гавжум.

Янги марказий деҳқон бозори мажмуи иккита ёпиқ ва битта очиқ павильонларни ўз ичига олган. Уларда 3500 та савдо ўрни мавжуд. Умумий сатҳи 7500 квадрат метрни ташкил этувчи очиқ павильон ўртасида учта фаввора, расталар орасида сув қурилмалари ўрнатилган. Бу эса мева-чевани харидорга тоза, ювилган ҳолда етказиб бериш учун қулайлик туғдираяпти.

Ёпиқ павильонлар йил давомида ишлайди. Уларнинг 5000 квадрат метрлик сатҳи ёғ тушса ялагудек. Жамоа ҳамда ширкат хўжаликлари, қишлоқ тадбиркорлари келтирган маҳсулотлар бу ерда кенг савдога қўйилган.

— Бозорга ёлчидик, — дейди Урганч туманидаги Ғойбу қишлоғида яшовчи сабзавоткор Мунаварра Болтаева. — Бунчалар қулай шароитни яқин орада кўрмаганман. Савдо қилиб чарчамайсан, киши.

Бозор мажмуини бунёд этиш ишига вилоятдаги аксарият қурилиш ташкилотлари жалб этилди. Айниқса, «Хоразмпўлатмонтаж» акциядорлик жамияти усталарининг ғайрат ва маҳорати эътиборга лойиқ. Улар 12 та мураккаб конструкция моделини бир-бирига пайвандлаб, очиқ павильонларни барпо этишди. Бунинг учун олти метр баландликда ишлашга, 12000 дан зиёд пўлат ускуналарни бир-бирига улашга тўғри келди.

Мажмуани қуришда, шунингдек, «Хоразмқурилиш», «Жанубгазқурилиш» акциядорлик жамиятлари, «Хоразмсувқурилиш» трести, «Хоразмдеҳқончиликқурилиш», «Хоразмавтойўл» бирлашмалари, «Хоразмжамоақурилиш» уюшмаси ва бошқа бир қанча ташкилотларнинг жамоалари ҳам фаоллик кўрсатишди.

Унинг қиёфасини шакллантиришда замонавий ютуқлар билан бирга, миллий меъморчилик анъаналаридан кенг фойдаланилди.

Кўрган-кечирганларимиз оғушида ҳаяжонланиб турарканмиз, бозор дарвозасидан мамнун ҳолда чиқиб келаётган икки киши эътиборимизни тортди. Улар наманганлик ака-ука тадбиркорлар экан.

— Аслида Хивани зиёрат қилгани келгандик, — дейишди улар. — Урганчда янги бозор очилганлигини эшитиб, кўриб кетайлик дедик. Бозормисан, бозор бўлибди. Урганчликлар у билан ҳар қанча фахрлансалар арзийди.

Минг марта эшитгандан, бир бор кўрган яхши, дейишади. Кўҳна шаҳарнинг азим бозори бугун номи ва салоҳиятига муносиб. Уни кўришга, хизматидан фойдаланишга шошилинг.

**Сотим АВАЗ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

